УДК 811

ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТ ДЕЙКСИСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИДА ИФОДАЛАНИШИ

Р.Ҳ.Давлатова

Мақолада тилшуносликда социал дейксис тўғрисидаги назарий қарашларга муносабат билдирилди. Ўзбек тилида ижтимоий ҳолат дейксисини ҳосил қилишда ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик воситаларнинг иштироки, ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантирувчи тил бирликлари: олмошлар, мурожаат бирликлари, ижтимоий хосланган лексик бирликлар, айрим қўшимчалар мисоллар асосида таҳлил этилди. Кишилик олмошларининг ижтимоий ҳолат ва шахс дейксисини шакллантирувчи восита сифатида мураккаб дейктик характер касб этиши ёритилди.

Калит сўзлар: *дейксис, социал дейксис, ижтимоий ҳолат дейксиси, олмошлар, мурожаат бирликлари, ижтимоий хосланган лексик бирликлар, айрим қўшимчалар.*

В статье выражено отношение автора к существующим в лингвистике теоретическим взглядам на социальный дейксисе. В образовании дейксиса социального статуса в узбекском языке участвуют как лингвистические, так и экстралингвистические средства. Анализируются языковые единицы, формирующие дейксис социального статуса, а именно: местоимения, обращения, социально ограниченная лексика, отдельные аффиксальные морфемы. Доказано, что личные местоимения приобретают сложный дейктический характер как средство формирования социального статуса и персонального дейксиса.

Ключевые слова: *дейксис, социальный дейксис, дейксис социального статуса, местоимение, единица обращения, социально ограниченная лексика, аффикс.*

Маълумки, жамият ахлоқий-ижтимоий меъёрлар орқали инсон хатти-ҳаракатларига маълум талабларини қўяди. Ушбу меъёрлар инсон хатти-ҳаракатларининг мазмунини, муайян вазиятда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини белгилайди. Инсон жамиятдан ажралмаган ҳолда яшар экан, ўз нутқида ҳам жамиятнинг ахлоқий-ижтимоий қоидаларига бўйсунади. У нутқида ўзи (сўзловчи), тингловчи ва ўзганинг жамиятда тутган ўрни, яъни ижтимоий ҳолати (касби, шахсий фазилатлари, моддий ҳолати, жинси, ёши)ни англаган ҳолда мулоқотга киришади.

Маълумки, мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мақоми уларнинг касб-кори, қариндошлик ҳолати, оиладаги мавқеи ва ўрни кабиларга нисбатан белгиланади. Нутқ мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ҳолати ҳақида маълумот берувчи муҳим воситадир. Масалан, нутқ эгаси томонидан танланган ўзига хос мурожаат бирликлари, нутқий этикет шакллари унинг ижтимоий ҳолати ҳақида ахборот таший олади. Айниқса, ўзбек мулоқот маданиятида жумла тузишда нутқ иштирокчиларининг жамият ҳаётида тутган ўрнига катта эътибор қаратилади. В.И.Карасик мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ҳолати ҳисобга олинмаса, мулоқот сунъий ва провокацион характер касб этишини таъкидлайди [1. Б.4].

Нутқда мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий ҳолатини ифодалашда кўпинча ишоравий бирликлардан фойдаланилади. Кўрсатиш, ишора маъносини англатувчи грекча *δεῖξις* (*“deixis”)* сўзидан олинган дейксис ҳодисаси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон тилшунослигида тилнинг барча сатҳлари доирасида амал қилувчи универсал категория сифатида ўрганила бошланди. Дейксис тадқиқига бағишланган ишларда шахс, замон ва макон дейксислари қаторида меъёрий ҳолат, баҳо, эмоционал, дискурс, денотатив ва хронотопик дейксис, коммуникатив дейксис, предмет дейксиси, миқдор дейксислари қаторида *социал дейксис* тури ҳам фарқланади.

Тилшуносликда нутқий мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеига ишора қилиш *социал дейксис* саналиб, ушбу мақолада *ижтимоий ҳолат дейксиси* терминидан фойдаландик. Зеро, *социал дейксис* терминида ҳам нутқ иштирокчиларининг ижтимоий ҳолати (“социальный статус” [2]) назарда тутилади.

Жаҳон тилшунослигида илк марта Ч.Филлмор дейксиснинг анъанавий таснифи: шахс, замон ва макон дейксиси қаторида социал дейксисни фарқлади [3]. Мазкур тасниф Г.Рауч, Ж.Ренкема, С.Левинсон, Г.Юлелар томонидан қўллаб-қувватланди ва ижтимоий ҳолат дейксиси нутқ иштирокчиларининг ўзаро муносабатларига ишора қилувчи, улар ўртасидаги ижтимоий алоқа даражасини белгиловчи, дейксиснинг анъанавий учлигини тўлдирувчи таркибий қисм сифатида кўрсатилди.

Ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантирувчи тил бирликлари сўзловчининг ўзи ва бошқа нутқ

иштирокчиларининг ижтимоий мақомига ишора қилиш билан бирга, унинг субъектив баҳосини ҳам ифода этади. Ш.Сафаров суҳбатдошга нисбатан билдирилаётган муносабат яширин ёки очиқ, ижобий ёки салбий, бевосита ёки билвосита ва бошқа кўринишларга эга бўлиши, бу турдаги муносабатларнинг барчаси социал дейксис ҳодисаси мундарижасини ташкил қилишини қайд этган [4. Б. 212].

Ўзбек тилида ижтимоий ҳолат дейксисини ҳосил қилишда ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик воситалардан фойдаланилади. Ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантирувчи тил бирликларига *олмошлар, мурожаат бирликлари, ижтимоий хосланган лексик бирликлар, айрим қўшимчалар* киради. Ижтимоий ҳолат дейксисига ишора қилувчи фаол лингвистик воситалар ичида кишилик олмошлари асосий ўрин тутади. Мақолада олмошларнинг ижтимоий ҳолат дейксисига ишораси масаласини ёритамиз.

Маълумки, олмошлар нутқий вазиятга боғлиқ ҳолда, ёшидан, жинсидан қатъий назар, катта, кичик, аёл, эркак, умуман, ҳар қандай шахсга нисбатан қўллана олиш имконияти билан универсаллик касб этади. Кишилик олмошлари: *мен, биз* сўзловчи шахсни; *сен, сиз* сўзловчи нутқи қаратилган шахсни; *у, улар* нутқий мулоқотда иштирок этмаётган шахсни бирлик ва кўпликда ифодалаши маълум. “Сўзлаётган кишига тегишлилик”, маъноси барча кишилик олмошлари учун марказий маъно бўлиб, қолган олмошлар “мен” олмошига нисбатан белгиланади.

Нутқда сўзловчи мазкур бирликларни танлашда нутқ иштирокчиларининг ижтимоий ҳолатига эътибор қаратади. Жумладан, *мен* кишилик олмоши сўзловчининг ўзига ишора қилиш билан бирга унинг турли коммуникатив мақсадларини ифодалаш вазифасини ҳам бажаради. Яъни нутқий мулоқотда *мен* олмоши сўзловчи шахсиятининг ижтимоий мавқеига, бошқа нутқ иштирокчиларидан устунлигига (ёки аксинча) ишора қилиб ижтимоий ҳолат дейксисига йўл очади. Масалан: *“Қўшчи кўкрагига кафт қўйди. **Мен!** - дея кўкрак урди. Мана шу **мен**, ботир фирқаман, Ботир фирқа! ...Бир сўз билан айтсак, **мен** шу кундан бошлаб Ботир фирқа бўлдим! Айни вақтда, қишлоқ шўросини раиси-да бўлдим! – деди”* (Т.Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”).

Матн парчасида қўлланилган *мен* олмоши сўзловчи ижтимоий мақомининг юқорилигига ишора қилади. Шунингдек, эгаллаган мансабидан фахрланиш, мақтаниш каби коммуникатив мақсадни ҳам намоён этади. Буни *мен* олмошининг бир неча ўринда такрор қўлланиши ва *кўкрагига кафт қўйди, кўкрак урди* хатти-ҳаракатлари ҳам тасдиқлайди.

Мен олмошининг мулоқот чоғида тез-тез қўлланиши, уни жумлаларнинг бошига қўйиш, олмошдан кейин тўхтам қилиш, сўзловчининг ўзига бўлган ишончини, эҳтимол, ҳаддан ортиқ ишончини, яъни манманлигини ифода этиш, тингловчи диққатини ўзига жалб қилиш, нутқий мулоқот иштирокчиларидан ўзини устун тутиш ёки аксинча, мулоқот иштирокчиларидан ўзини қуйи тутиш кабиларни акс эттиришга хизмат қилади. Олмошнинг қандай ижтимоий ҳолатга ишора қилаётганлиги матн қуршовида аниқланади. Масалан: “*- Нима, энди сиз ҳам амир Олимхонни ишларини... келган жойидан давом эттирмоқчимисиз?*

*- **Мен... мен...***

- Совет ҳокимияти ўрнатилганига неча йил бўлди? Жавоб беринг!

*- **Мен**... ҳалол коммунистман, Шароф Рашидович, ҳалол! - дея қути ўчди Ражабов. - Чин коммунист сўзим. **Мен** баъзи бировлар юрган йўлларидан юрмайман. ...Виноват, Шароф Рашидович, виноват. **Мен**... тушунмабман”.*

Ушбу матн парчасида *мен* олмоши орқали сўзловчининг суҳбатдоши олдида ўзини айбдор ҳис этиш ҳисси ифода этилган. Бу ҳолат орқали унинг ижтимоий мавқеи пастлигига ишора қилинади. Буни сўзловчининг *“қути ўчди”, “Виноват, Шароф Рашидович, виноват”* жумласи ҳам тасдиқлайди.

Ўзбек тилида мен олмоши бир (бир оддий) сўзлари билан бирикиб ижтимоий ҳолат дейксисини юзага чиқаради. Масалан: *- Мендан кўп хавотирланма, Робия. **Мен бир** деҳқон одаммен.”* (П.Қодиров “Юлдузли тунлар”) Бундай ўринларда олмошлар ишора қилган ижтимоий мақомни белгилаш учун матн қуршови ўта муҳим.

Тилшунос А.А.Колобова бундай ўринларда шахс ва ижтимоий ҳолат дейксисини контекст объектига қараб фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. Олима контекстларнинг объектига кўра вазият (ситуацион) ва ижтимоий (социал) контекстларни ажратади. Вазият контекстида нутқий алоқа иштирокчилари (адресант ва адресат), уларнинг муайян макон ва замонда ўринлашуви, шахс, замон, макон дейксисига, социал контекстда коммуникантларнинг ўзаро ва атрофдаги воқеликка муносабатлари, ижтимоий табақаланиши актуаллаштирилиб, ижтимоий ҳолат (социал) дейксисига йўл очилиши таъкидланади [5].

Бизнингча, бундай ўринларда кишилик олмошлари ижтимоий ҳолат ва шахс дейксисини шакллантирувчи восита сифатида мураккаб дейктик характер касб этади. Улар бир вақтнинг ўзида нутқ иштирокчиларига ишора қилиб, шахс дейксисини, уларнинг ўзаро муносабатларини, ижтимоий омилларни кўрсатиб, ижтимоий ҳолат дейксисини ҳам юзага чиқаради.

Нутқда *мен* олмоши ўрнига баъзан биз олмоши ҳам қўлланади. Масалан: *“- Мавлонога биздан*

битта от анжоми билан инъом қилинсин, – қўшимча қилди Бобур. Мулла Фазлиддин таъзимга эгилиб миннатдорчилик билдирар экан, бир неча кишининг. - Муборак! Муборак! - деган сўзларини эшитди" (П.Қодиров. "Юлдузли тунлар").

Ушбу матнда биз олмоши сўзловчи мавқеининг улуғлигига ишора қилган. Қуйидаги мисолда эса сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатнинг расмийлигига, сўзловчининг ижтимоий амалига, лавозимига ишора қилади: "– *Бу ерда саволни* ***биз*** *берамиз. Қаерда ўтирганингизни унутманг, ўртоқ, Шарипов"* (Тергов ҳужжатидан).

Нутқда *мен* олмоши ўрнига *фақир, банда, одам, киши, мазлум, бенаво, нотавон, телба, шикаста, ҳақир, камина, қулингиз* каби сўзларнинг қўлланилиши ҳам сўзловчи шахснинг бошқа нутқ иштирокчиларидан қуйи мақомда эканлигига ишора қилиб, ижтимоий ҳолат дейксисини юзага чиқаради. Масалан: "– ***Қулингиз*** *айтмоқчименким, бундай муҳим ишда барча нуфузли бекларнинг ризолигини олмасак бўлмас"; "– Жоним билан! Аммо бекларнинг баъзи андешаларидан* ***фақир*** *хабардормен. Густоҳлик саналмаса айтай"* (П.Қодиров. "Юлдузли тунлар").

Тилшунос Ж.Ҳамдамов мен маъносини ифода этувчи фақир, банда, мазлум, бенаво, нотавон, телба, шикаста, ҳақир, камина каби сўзлар биринчи шахс бирликдаги кишилик олмоши ўрнида унинг услубий эквиваленти сифатида ишлатилиб, ҳурмат, самимият, ўзини камтарин ва ҳокисор тутиш каби мазмунларга эга эканлигини эътироф этади [6].

Нутқда сўзловчи томонидан сен олмоши ёш жиҳатдан кичик, тенг, ўзига яқин деб ҳисобланган кишиларга, шунингдек, ижтимоий мавқеи пастлигига ишора қилиш, ҳурматсизлик маъноларини ифодалаш мақсадида қўлланади. Масалан: *"****Сен*** *ўзи кимсанки, "задерживать" қиласан?* ***Сен*** *билан биз фақат "опоздывать" қиламиз, фақат айб қиламиз. Партия-совет раҳбарияти, особенно,* ***биринчи шахс*** *кечикмайди, айб ҳам қилмайди!* ***Сен*** *"Я задерживаюсь", деган телеграмманг билан ўзингни … биринчи шахс қилиб қўйгансан. Биринчи шахс ўртоқ Ражабовни эса … пешка қилиб қўйгансан, пешка!"* (Т.Мурод. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди").

Мазкур матн парчасида ***сен*** олмоши тингловчи шахсини кўрсатиш билан бирга, унинг ижтимоий мавқеи пастлигига ишора қилиб, ижтимоий ҳолат дейксисини ҳам юзага чиқарган.

Ёш жиҳатдан катта, нотаниш, лавозими баланд шахсларга ҳурмат маъносини ифодалаш мақсадида сўзловчи иккинчи шахсдаги сен олмоши ўрнига сиз олмошини қўллайди. *Сиз* кўплик олмоши нутқда бирликдаги шахсга ҳурмат муносабатини ифодалашга хосланган. Масалан: *"– Амирзодам,* ***сиз*** *шоҳсиз,* ***сиз****нинг ҳукмингиз вожиб, – деб Бобурни дадилроқ бўлишга ундаб кетди"* (П.Қодиров. "Юлдузли тунлар").

Ўзбек тилида ким сўроқ олмошининг иккинчи шахсга қаратилган сўроқ шакли *кимсан* олмоши орқали назарда тутилган кишининг ижтимоий мавқеи юқорилигига (ёки аксинча) ишора қилиши мумкин. Масалан: 1.*"Сиз кимни зурриётини бозорга олиб чиққанингизни биляпсизми?* ***Кимсан,*** *Мирзахўжабойни зурриёти!";* 2.*"Сен ўзи* ***кимсан****ки, "задерживать" қиласан? Сен билан биз фақат "опоздывать" қиламиз, фақат айб қиламиз"* (Т.Мурод. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди"). Берилган мисолларнинг биринчисида кимсан олмоши шахснинг ижтимоий мавқеи юқорилигига, иккинчи мисолда пастлигига ишора қилиб, ижтимоий ҳолат дейксисини юзага чиқаради.

Нутқда ўзлик олмоши орқали ҳам назарда тутилган шахснинг ижтимоий мавқеи юқорилигига ишора қилинади. Масалан: *"Граф Л.Н.Толстой". "Николай таёқ", – деб ҳижжалаб ўқиди Олимтой сарғайиб, титилиб кетган китобчани икки қўллаб тутиб. - Николай? Қайси Николай?*

*– ****Ўзи****! – деди Валера кўрсаткич бармоғини шифтга қадаб"* (А.Мухтор. "Чинор")

Мазкур матн парчасида ўзлик олмоши ўзи орқали матннинг юқори қисмида тилга олинган шахснинг ижтимоий мавқеи юқорилигига ишора қилинган бўлиб, бунда *"кўрсаткич бармоғини шифтга қадаб"* паралингвистик воситаси ҳам ижтимоий ҳолат ифодасига хизмат қилади.

Нутқда баъзан кўрсатиш олмошлари ҳам шахснинг ижтимоий ҳолатига ишора қилади. Бунда олмош якка шахсни кўрсатишга қаратилган бўлса, *-лар* қўшимчаси ёки *киши* сўзи билан қўлланиб ҳурмат маъносини ифодалайди ва ижтимоий ҳолат дейксисига йўл очади. Албатта, бу ўринда *-лар* қўшимчасининг ҳурмат маъносини ифодалашга хосланганлигини эътиборга олиш муҳим. Масалан: *"****Булар (бу киши)*** *рухсат бермайдилар, - деди эрига қимтиниб қараб"* (Сўзл.).

Кўрсатиш олмоши орқали адресатга ишора қилиш кўп ҳолларда кескин нутқий вазиятларда, яъни ишора қилинаётган шахс айбдор деб топилганда, танбеҳ беришда, хуллас, салбий муносабат ифодалашда ҳам қўлланади. Масалан: *"Мадиев партия-совет арбобларига қўлини пешлади. Кўрсаткич бармоғини бигизлади.* ***– Биз булар*** *билан… бўлмаймиз!"* (Т.Мурод. "Бу дунёда ўлиб бўлмайди")

Келтирилган микроматнда *булар* олмоши орқали *партия-совет арбобларига* ишора қилиш билан бирга нутқ эгасининг уларга нисбатан паст назарда қараши ҳам англашилади. Буни матндаги *бармоғини бигизлади* паралингвистик воситаси ҳам тасдиқлайди.

Нутқ иштирокчиларининг ижтимоий мавқеига ишора қилувчи фаол тил бирликларидан яна бири мурожаат бирликларидир. Мурожаат бирликларининг нутқда тингловчи эътиборини тортиш билан бирга, нутқ иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий муносабатга ишора қилиш вазифаси ҳам муҳим. З.Акбарова “Мурожаат тушунчаси ижтимоий-мантиқий категория бўлиб, унинг мундарижаси қачон, қай вазиятда, кимга ва нима муносабат билан, қандай тарзда мурожаат қилиниши каби масалалар, бир сўз билан, ижтимоий-мантиқий мазмун ва функцияси социал лингвистика деб аталувчи ташқи лингвистикада ўрганилади”, дея таъкидлайди [7].

Тилшунос Н.Аҳмедова мурожаат бирликларининг ундаш (аппелеятив), номлаш (номинатив), шахсий муносабатни ифодалаш (коннотатив, эмотив), мулоқот ўрнатиш (коммуникатив) функцияларини қайд этади [8. Б. 5]. Л.В.Кожухова эса мурожаат бирлигининг еттита: номинатив, ижтимоий-регулятив, вокатив, эмотив, баҳо, дискурсив ва дейктик функцияларини фарқлайди [9. Б. 9]. Олима мурожаат бирлигининг тингловчига ишорасини (“указание адресата”) унинг дейктик функцияси деб изоҳлайди. Бизнингча, сўзловчи мурожаат бирлиги орқали тингловчи шахсга ишора қилиш билан бирга, нутқ иштирокчиларининг ижтимоий ҳолатига ҳам ишора қилади. Айтиш мумкинки, мурожаат бирлиги муайян нутқий вазиятда мураккаб дейктик вазифа бажаради.

Нутқ эгаси адресатга мурожаат қилишдан олдин, албатта, унинг ижтимоий мақомига: ёши, таниш-нотанишлик даражаси, жамиятда тутган ўрнига, мансаби, касбига; ижтимоий келиб чиқишига; миллати, яшаш жойига; қариндошлик ва бошқа яқинлик даражасига эътибор қаратади ва шунга хос ифода бирлигини танлайди. Илмий манбаларда ҳам мурожаат бирликлари “сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ижтимоий муносабатларни кўрсатувчи индикатор” [10. Б. 3.], “ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос маркери” [9] сифатида баҳоланади. Мазкур тил бирлиги нутқ иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий мавқенинг тенглик, ҳокимлик, тобелик даражасига ишора қилиб, ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантиради.

Қуйидаги матн мурожаат бирликларининг ижтимоий ҳолат дейксисига ишорасини исботловчи мазмунга эга: ***“Ҳаммамиз учун ҳурматли ва азиз”*** *қўшимчаси билан аталувчи амалдорни... Мункар-накир деб бил!* ***“Муҳтарам зот”, “улуғ зот” “вич-вич” қўшимчалари*** *билан аталувчи амалдордан қўрқ. Қўрқмасанг-да, ўзингни қўрққанга ол. Боиси, амалдор зоти... ҳайиқиб турувчи одамни ёқтиради”* (Т.Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”).

Кўринадики, нутқий мулоқотда мурожаат бирликларининг ижтимоий ҳолатга ишораси барча учун маълум нутқий ҳодиса. Буни қуйидаги мисоллар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин: ***“Амирзодам!*** *Адолат қилинг! Мен отангизнинг содиқ* ***райийятлариданмен****! Сиз ёшсиз, беғуборсиз. Сиз ҳали бу бекларни билмайсиз!”* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).

Ушбу микроматн мазмунидан англашиладики, мурожаат қилинаётган шахс (Бобур) ёш бўлишига қарамай, жамиятдаги лавозими юқори. Бу амирзодам мурожаат бирлигининг ишораси орқали англашилади. Шунингдек, *-м* эгалик қўшимчаси орқали сўзловчи нутқи қаратилган шахснинг улуғлигини, унга ҳурматини кўрсатади. Сўзловчининг *“Мен отангизнинг содиқ* ***райийятлариданмен****”* деган гапи унинг адресатга тобелик мавқеида эканлигини тасдиқлайди.

Ёки сўзловчининг “Ҳамкасблар, ...” дея бошлаган мурожаати муайян нутқий вазиятда касбий боғлиқликни англатиш билан бирга мурожаат эгасининг бошқа нутқ иштирокчиларини ўзига яқинлигини, ижтимоий тенглигини кўрсатишга қаратилган.

Қуйидаги матнда эса сўзловчининг мурожаат бирлигини тўғри танлаши орқали норозилик, дашном бериш каби коммуникатив мақсадлари ва тингловчи ёшига нисбатан муносабатига ишора сезилади: *“Ўтовдан бола кўтариб чиққан чўпон у ёқ-бу ёққа шошиб аланглади-да, машинани кўргач, йўл томон юрди. Бу жувозкунда сингари ғўлабир, норғул йигит эди.*

– Қўйга оқсил тушибди-ку, ***бола****, нима қилиб ўтирибсан? – деди Очил бува.*

Чўпон довдираб, тутилиб қолди, оқаринқираб кетди”.

Ушбу матн парчасида мурожаат қаратилган шахс *жувозкунда сингари ғўлабир, норғул йигит,* лекин сўзловчи унга бола деб мурожаат қилиш орқали “унинг учун ҳали ёш бола” эканлигига, тажрибасизлигига, шунингдек, ўзидан қуйи мавқеда эканлигига ишора қилади. Матндаги *чўпон довдираб, тутилиб қолди, оқаринқираб кетди* гапи ҳам буни тасдиқлайди.

Кўринадики, мурожаат бирликлари нутқ иштирокчиларининг ижтимоий ҳолатига ишора қилувчи восита сифатида нутқимизда фаол қўлланади. Мулоқотда суҳбатдошга исм-фамилиясини бузиб мурожаат қилиш ҳурматсизлик, тингловчининг ижтимоий мавқеи қуйилигига ишора қилади. Ёки қариндош бўлмаган суҳбатдошга қариндошликни англатувчи сўзлар билан мурожаат этиш тингловчига нисбатан ҳурмат муносабатини ифодалашга хизмат қилади. Масалан: *“Ёзёвонга икковинг командирлик қиласан. Икковинг чўл маршаллари бўласан. Қани, розимисизлар?*

– Розимиз, ***Ота****. Сен буюр, биз нима десанг*

тайёрмиз” (С.Аҳмад. “Уфқ”).

Келтирилган матн парчасида *Ота* мурожаати эл-юртга бошчилик қилувчи, ижтимоий мавқеи улуғ зотга нисбатан қўлланилган бўлса, *“Қани, **отахон**, бир фотиҳа беринг”* (С.Аҳмад. “Уфқ”) гапида ҳурмат, ёши улуғлигига ишора мавжуд.

Нутқимизда ижтимоийлик белгисига эга дейктик бирликлар лексик сатҳда ҳам кузатилади. Ижтимоий хосланган лексик бирликлар шулар жумласидан. Мулоқот иштирокчиларининг нутқида муайян соҳа вакилларининг нутқига хос сўзлар, жаргонлардан фойдаланилиши уларнинг бир соҳа вакиллари эканлигига, ижтимоий ҳолати тенглигига ишора қилади. “Индивиднинг касб-кори, лавозими, мавқеи таъсирида шаклланган характери (ҳуқуқи) шу шахснинг мажбурияти (бурчи) билан бирга унинг коммуникатив актда эгаллайдиган позициясини белгилаб беради” [11.Б.7].

Тилимизда *буюрди, фармойиш берди, амр этди* каби лексемалар ижтимоий мавқеи юқори шахсларга нисбатан қўлланилади, негаки буюриш “раҳбарият”га, яъни юқори лавозимдаги шахсларга хос бўлиб, айни дамда бу сўз унинг ижтимоий мавқеига ишора қилади. Масалан: “– *Мана шу ерда тўхтанг! – **буюрди** Шароф Рашидов* (Т.Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”).

Ушбу матнда буюрди нутқий фаолиятининг субъекти *Шароф Рашидов*. Шароф Рашидовнинг тарихий давлат арбоби эканлигини билган тингловчи учун *буюрди* феълининг ишоравийлик вазифаси муҳим бўлмаслиги мумкин. Бироқ бу шахсни нутқий мулоқот давригача танимаган, мансабдорлигини билмаган тингловчи учун *буюрмоқ* феъли тўғрисидаги умумий билим фаолият субъектининг ижтимоий ҳолатига ишорани англашга имкон беради.

Айрим лексемалар кўчма маънода қўлланилиб, шахснинг ижтимоий мақомига ишора қилади: *“Юқоридан **катта** келса – фаоллар йиғилишидан қайтар эди. Юқоридан **катта** келса – боғлар қўйнидан қайтар эди. Юқоридан **катта** келса... балиқ овидан қайтар эди. Бир саратонда Шароф Рашидов келди* (Т.Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”).

Ушбу микроматнда *катта* лексемаси кўчма маънода қўлланилиб, назарда тутилган шахс Шароф Рашидовнинг ижтимоий мавқеи улуғ эканлигига ишора англашилади.

Ижтимоий давр, муҳитнинг нутқий мулоқотга таъсири дейктик бирликларда ҳам намоён бўлади. Масалан: *“**Москва** нима дейди? **Юқоридагилар** нима дейди?”* (Т.Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”) микроматнида қўлланган *Москва, юқоридаги* сўзлари ўрин тушунчасини англатсада, бу ўринда дейди нутқ феълига боғланиб кўчма маънода келган ва шахснинг ижтимоий мавқеига ишора қилиб, *Москвадаги раҳбарлар, юқоридаги раҳбарлар* маъносида англашилади. Маълумки, собиқ шўро даврида Москва раҳбарларидан келган топшириқ сўзсиз бажарилган ва уларнинг фикри ўта муҳим бўлган. Бугунги кун нуқтаи назаридан эса ушбу қўлланиш ўз таъсирини йўқотган. Олим Ш.Сафаровнинг “ижтимоий мавқе доимий ва ўзгарувчан хусусиятга эга бўлгани каби матнда социал дейксис белгилари ҳам кўчиб туриши мумкин, десак маъқул бўлармиди” [4], деган фикри ўз тасдиғини топади.

Ўзбек тилида эгалик, шахс-сон, ҳурмат грамматик маъносини ифодаловчи -лар қўшимчаси ҳам ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантирувчи бирлик вазифасини бажаради. Масалан: *“Ҳурматли Ўлмас ака**миз** битта саволимга жавоб берсалар... У қўлидаги “Севгим – севгилим” китобини баланд кўтариб кўрсатди.*

*– Бу китобни эшикдаги аяча**миз** ўқиган**лар**ми?”* (С.Аҳмад. “Киприкда қолган тонг”).

Ёки: *“Хоним дарҳол қизнинг гапини қувватлаб, ўғлига юзланди: – Бойсунқур мирзога элчи юбор**ингиз**, амирзодам! Орадаги адоватни йўқо**тингиз**!”* (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).

Келтирилган матн парчаларида ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантириш аффикслар зиммасига юклатилган. Тилшунос олим Ғ.Зикриллаев кишилик олмошлари ва феълнинг шахс-сон қўшимчалари ўртасидаги маънодошлик нафақат шахс ва сон ўртасида, балки ҳурмат грамматик маъносини ифодалашда ҳам кўзга ташланишини эътироф этади [12. Б. 65].

Хуллас, ўзбек тилида ижтимоий ҳолат дейксисини шакллантирувчи бирликлар хилма-хил бўлиб, уларнинг ҳар бири чуқур таҳлилга тортилса, ўзбек тилшунослигининг нафақат прагмалингвистикасига, балки социолингвистик тадқиқотлари учун ҳам қизиқарли материаллар бериши, шубҳасиз.

Адабиётлар

1. *Карасик В.И.* Язык социального статуса. – Москва: Институт языкознания АН СССР, Волгоградский педагогический институт, 1991. – 495 с.

2. Дрига С.С. Социальный дейксис дискурса массовой коммуникации. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тверь, 2008. – 22 б.

3. *Fillmore C.J.* Santa Cruz Lectures on Deixis. Bloomington, 1975. – 87 p.

4. *Сафаров Ш.* Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 317 б.

5. *Колобова А.А.* Дейктики американских корпоративных кодексов как средство репрезентации модели корпоративной культуры // https://lib.herzen.spb.ru/media/magazines/contents/1/38(82)1/kolobova_38_82_p172_179.pdf

6. *Ҳамдамов Ж.* Ўзбек тили тарихи. Тарихий морфология. Исмлар. –Самарқанд, 2003. – 114 б.

7. *Акбарова З.* Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 23 б.

8. *Аҳмедова Н.* Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи. Филол. фанлари номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 25 б.

9. *Кожухова Л.В*. Обращение как индикатор характера социальных и межличностных отношений: структурно-семантический и функциональный аспекты. Автореф. дисс. ...канд. филол.наук. – Ставрополь, 2009. – 22 б.

10. *Рыжова Л.П.* Обращение как компонент коммуникативного акта. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Москва, 1982. – 23 с.

11. *Расулов Қ.* Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хосланиши. Филол.фанлари номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2008. – 23 б.

12. *Зикриллаев Ғ.* Истиқлол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2004. – 120 б.

13. *Лутфуллаева Д., Давлатова Р., Тожибоев Б.* Ўзбек тилининг ассоциатив луғати. – Toshkent, 2019. – 380 б.

SOCIAL CONDITION DEIXIS AND ITS EXPRESSION IN UZBEK LANGUAGE

R.H.Davlatova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1(45). 99 – 105.
[1]Navoi State Pedagogical Institute, Navoi, 210100, str. Ibn Sino, 45 (Uzbekistan). E-mail: info@nspi.uz

Keywords: *deixis, social deixis, deixis of social status, pronouns, units of conversion, socially special lexical units, some affixes.*

The social status of social condition deixis in the communication is determined, compared to the participants-curry, relationship status, position and role in the family. Speech communication is an important tool for providing information about the social status of the participants. For example, the speech units selected by the owner, the speech etiquette forms could transport information about the social status of the speaker. In particular, the participants' concluding remarks in the life of society are received great attention in the communication culture of Uzbekistan.

In this article deixis theory in linguistics, deixis of the social condition, its representatives are discussed. Gestural units are mainly used to express participants' social conditionin the communication. The social status of linguistics in the speech of the participants of the dialogue is pointed as social deixis, we used terminology of social condition deixis. After all, the social status (social further status) of speech participants is provided in terms of social deixis.

The speech units that express social status deixis not only explain speaker and social condition of other participants, but also inform about its subjective evaluation.

Linguistic and also extralinguistic units are used to make deixis of social status in the Uzbek language. Language units of deixis of social status language include pronouns, contact units, social lexic units, some supplements.

The personal pronoun organize complicated deictic character as a tool taking shape of social status and person's deixis. They indicate participants of the speech which makes clear individual's deixis and determine social status deixis via showing their relations and social factors in the same time. Supplement -s which indicates grammatical meaning of possession, person-suffixes, respect does a task of clarifying social status deixis too. Also, one of active language units that could explain speech participants' social status is reference units. Reference units' have a special duty of not only grabbing attention of listener in the speech, but also defining social relationship between speech participants.

Communication units are actively used as a tool of indicating speech participants' social status in speech. Even spelling of the name incorrectly to the listener indicates disrespectfulnes, lowness of listener's social status.

Expressive units of the social condition deixis are variousin Uzbek language, therefore when each of them are analysed deeply they can obviously give intriguing informations about not only pragmalinguistics, but also sociolinguistics.

References

1. Karasik, V.I. (1991) *Yazik sotsialnogo statusa* [Language of social status]. Moscow: Institute of Linguistics of the Academy of the USSR's Sciences, Volgograd Pedagogical Institute.

2.Driga, S.S. (2008) *Sotsialniy deyksis diskursa massovoy kommunikatsii* [Social deixis of the discourse of mass communication].Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Tver.

3. Fillmore, C.J. (1975) *Santa Cruz Lectures on Deixis*. Bloomington.

4. Safarov, Sh.(2008) *Pragmalingvistika* [Pragmalinguistics]. Tashkent:O'zbekiston milliy ensiklopediyasi.

5. Kolobova, A.A. *Deyktiki amerikanskix korporativnix kodeksov kak sredstvo reprezentatsii modeli korporativnoy kulturi* [The deictics of American corporate codes as a means of representing the corporate culture model] // https://lib.herzen.spb.ru/media/magazines/contents/1/38(82)1/kolobova_38_82_ p172_179.pdf

6. Hamdamov, J. (2003) *O'zbek tili tarixi. Tarixiy morfologiya. Ismlar* [History of the Uzbek language. Historical morphology. Names]. Samarkand.

7. Akbarova, Z. (2007) *O'zbek tilida murojaat shakllari va uning lisoniy tadqiqi* [Application forms and its language study in the Uzbek language].Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Tashkent.

8. Ahmedova, N. (2008) *O'zbek tilida murojaat birliklarining semantic-konnotativ tadqiqi* [Semantic-notative study of reference in Uzbek language]. Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Tashkent.

9. Kojuxova, L.V. (2009) *Obrasheniye kak indicator xaraktera sotsialnix i mejlichnostnix otnosheniy: strukturno-semanticheskiy i funksionalniy aspekti* [Conversion as an indicator of the nature of social and interpersonal relationships: structural, semantic and functional aspects.]Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Stavropol.

10. Rijova, L.P. (1982) *Obrasheniye kak component kommunikativnogo akta* [Conversion as a component of a communicative act].Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences.Moscow.

11. Rasulov, Q.(2008) *O'zbek muloqot xulqining funksional xoslanishi* [Functional characterization of Uzbek communication behaviour.] Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Tashkent.

12. Zikrillayev, Ğ. (2004) *Istiqlol va adabiy til* [Independence and literary language]. Tashkent: Fan.

13. Lutfullaeva, D., Davlatova, R., Tajibaev, B. (2019) *O'zbek tilining assotsiativ lug'ati* [Associative Dictionary of the Uzbek Language]. Tashkent.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Давлатова Раъно Ҳайдаровна – Навоий давлат педагогика институти доценти, филология фанлари номзоди. E-mail: isfan2006@mail.ru